



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АФГНИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни Кўксарой қароргоҳида «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида иштирок этиш учун амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Афғонистон Ислам Республикаси Президентини Мухаммад Ашраф Ғанини қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшнилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш, жумладан, савдо, транспорт ва энергетика соҳаларидаги лойиҳалар, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлардаги дастурларни амалга ошириш масалалари қўриб чиқилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Президент Мухаммад Ашраф Ғани мамлакатларимизнинг Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясини ўтказишга оид биргаликдаги ташаббусини рўёбга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди, ўзаро манфаатли йўналишлар бўйича ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АҚШнинг нуфузли делегацияси раҳбари, АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ривожлантиришга янги суръат бағишлаганини алоҳида таъкидлади. Олий ва юқори даражадаги икки томонлама мулоқотлар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклиқни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, уни амалий мазмун билан бойитмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида йўлга

қўйилган мунтазам сиёсий мулоқотга юксак баҳо берилди. Савдо, инвестиция ва юқори технологиялар соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишда АҚШнинг етакчи компаниялари ва банклари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашувда Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва АҚШ афғон можаросини тинч сиёсий йўл билан ҳал этиш бўйича жараёни тез фурсатда бошлаш тарафдори экани таъкидланди.

Афғонистон ҳукуматининг мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик жараёнига қўшилиш бўйича саъй-ҳаракатларини икки томон ҳам қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Афғонистон бўйича Тошкент конференциясини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлагани ва унинг

ишида АҚШнинг нуфузли делегацияси иштирок этаётгани учун Президент Дональд Трампга миннатдорлик билдирди.

АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Томас Шэннон ушбу анжуманда қатнашишга таклиф этгани учун Президент Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик изҳор қилди. Мазкур муҳим халқаро тadbирнинг ўз вақтида ўтказилаётгани ва долзарблиги алоҳида таъкидланди.

АҚШ дипломати мамлакатимизда давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти ва иқтисодиёт соҳаларида янги босқичда амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолади.

Ўз мамлақати раҳбарияти номидан АҚШ давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама кенг қўламли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва стратегик шериклиқни мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

Томас ШЭННОН:

ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИАТИНИНГ АФГНИСТОНДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЎРНАТИШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Ўзбекистон минтақа давлатлари, хусусан, Афғонистон билан ўзаро ҳамкорлиқни изчил ривожлантирмоқда. Шу кунларда пойтахтимизда «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтмоқда.

Унда иштирок этиш учун келган АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас ШЭННОН бу

ҳақда ЎЗА мухбирига қуйдагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, ўзаро қўшнилик алоқаларини мустаҳкамлаш, чегара, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга тезкор ечим топиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Президент Шавкат Мирзиёев

билан бугунги учрашувни ўзим учун шараф, деб биламан. Сўбатимиз кенг қамровли ва жуда мазмунли ўтди. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, ушбу мамлакатнинг тинч ривожланишини таъминлашга қўмаклашиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари билан сўхбатда шу масалада ҳамкорлик имкониятларини қўриб чиқдик.

Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент конференциясида йирик давлатлар каторида Марказий Осиё мамлакатлари-



нинг ҳам ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари иштирок этаётгани ушбу муаммони ҳал этишга халқаро миқёсда нақадар кенг ёндашилаётганини кўрсатади.

ЎЗА мухбири
З.ЖОНИБЕКОВ
ёзиб олди.

ТОШКЕНТ — АФГНИСТОН БЎЙИЧА ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ МЕЗБОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида 26 март куни пойтахтимизда «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» форматда ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазир Абдулазиз Комиллов, Қозғистон Республикаси ташқи ишлар вазир Қайрат Абдрахманов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазир Эрдан Абдилдаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазир Сирожиiddин Аслов, Туркменистон ташқи ишлар вазир ўринбосари Вела Хаджиев ва Еврокомиссия президенти ўринбосари, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини минтақалараро ҳамкорлиқнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди.

Афғонистон Евроосиё минтақасидаги ноёб стратегик ва трансчегаравий имкониятларга эга мамлакат сифатида Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Минтақа халқларини умумий тарих, дин, маданият ва урф-одатлар бирлаштириб туради. Тинч Афғонистон Марказий Осиё мамлакатларига Ҳинд океани ва Форс кўрфазини портларига энг қисқа йўл орқали чиқиш, Ҳиндистон, Эрон ва Покистонни Европа ва бошқа минтақалар билан боғлаш имконини беради. Шу боис нафақат Марказий Осиё, балки қўшни минтақалардаги барқарорлик ва изчил тараққиёт Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунлариданоқ Афғонистон билан кўп қиррали ҳамкорлиқни янада фаоллаштириш ҳамда ушбу мамлакатда тез фурсатда тинчлик, барқарорлик ўрнатилиши, унинг иқтисодий ва транспорт инфратузилмаси тикланишига қўмаклашиш тарафдори эканини билдирди. Давлатимиз раҳбари энг нуфузли минбарлардан туриб, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлашда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

АФГНИСТОН БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАБҒУОТ МАРКАЗИДА



Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлига эга мамлакат. Унинг ташаббуси эса эътирофга муносиб

Пойтахтимиз икки кун давомида йирик халқаро анжуманга мезбонлик қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилаётган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик»

мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида ЎЗА мухбирлари анжуман иштирокчиларининг фикрлари билан қизиқди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТАШҚИ САВДОНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ташқи савдони янада эркинлаштириш, тadbиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун тенг ва қулай шароитлар яратиш, шунингдек, савдо операцияларини амалга оширишда ортқча тўсқин ва говларни бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва «Ўзстандарт» агентлигининг Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юклардан олдин мажбурий инспекциядан ўтказиш тартиботини бекор қилиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгиланган қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юклардан олдин инспекциядан ўтказиш ихтиёрий асосда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юклардан олдин инспекциядан ўтказиш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига ваколатли орган томонидан халқаро стандартлар талабларига мувофиқ аккредитация қилинган инспекция органлари эга;

инспекция органларининг хизматлари, шу жумладан юк ортишдан олдин инспекциядан ўтказиш хизматлари учун ҳақ тўлаш уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда очилган ҳисобрақамлари орқали амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарлар сифати, миқдори ва нархларининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУҚда (кейинги ўринларда — Марказ) рўйхатдан ўтган импорт контрактлари шартларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш учун жавобгарлик импорт қилувчининг мансабдор шахслари зиммасига юклатилади;

давлат божхона хизмати органлари Марказда рўйхатдан ўтган импорт контрактлари доирасида эркин муомалага чиқарилган товарларнинг миқдори ва нархлари ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда Марказга тақдим этади.

3. Давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек, тижорат банкларига юк ортишдан олдин инспекцияни ўтказувчи инспекция органини танлаш ҳақида импорт қилувчиларга тавсиялар бериш таъқиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти «Ўзстандарт» агентлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда, мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, давлат манфаатларига етказилган зарарни қоплаш кафолатларини таъминловчи механизмларни жорий этган ҳолда импорт қилувчилар ва ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда аккредитация объектлари томонидан ваколатли органга ўтказиладиган тўловларни ундириш шартлари ва миқдорларининг танқидий қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, Марказ фаолияти соҳаси тadbирқ этиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар харидларини ўтказиш (харид тартиботларини бажариш, реклама ишларини ташкил этиш, тендер ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқалар) бўйича ихтисослашган ташкилотни танлаш Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан ўрнатиладиган талабларга жавоб берадиган ихтисослашган ташкилотлар орасидан танлов асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бир ой муддатда давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга ихтисослашган ташкилотларга қўйиладиган талабларни, шунингдек, давлат харидларини ўтказиш доирасида ихтисослашган ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари рўйхатини ўрнатиладиган тартибда белгиласин.

7. «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қўнун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Садиков ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 24 март

ТОШКЕНТ — АФГОНИСТОН БЎЙИЧА ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ МЕЗБОНИ

Хусусан, Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳамда ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусида халқаро конференциядаги нутқларида Марказий Осиёдаги хавфсизликка таҳдидларни «ўзиники ва ўзгаларники» деб ажратишдан воз кечиш, «яхлит хавфсизлик» тамойилига амалда риоя қилиш зарурлиги, қўшни мамлакатдаги тинчликка фақат туноклар билан эришиш мумкинлигини таъкидлади. Зеро, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизлиқни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Президентимиз шу нуктаи назардан жаҳон афкор оммаси эътиборини афғон моҳирасини ҳал қилишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий қучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш эканига қаратди.

Халқаро таҳлил марказлари қайд этгангаки, Тошкентда Афғонистон бўйича ўтказилаётган юқори даражадаги халқаро конференция Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати стратегиясининг амалий натижаси сифатида ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро миқёсдаги қўшма саъй-ҳаракатларга кенг йўл очди.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон — Афғонистон ҳамкорлигини ривожлантиришда изчил ўсишга эришилди. 2017 йилда мамлакатларимизнинг дўстона муносабатлари томонлар ҳамкорлиги учун янги истиқбол эшикларини очди. Давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган мулоқотлари биргаликдаги ҳамкорликка янги суръат бағишлади. Президентлар дўстона, самимий ва ўзаро ишончга асосланган мулоқотни йўлга қўйишга эришдилар. Утган йил декабрь ойида Афғонистон Президенти Ашраф Ганининг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат муносабатларида янги саҳифа очди.

Ташриф якунига қўра, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларга оид 20 ҳужжат имзоланди. Ҳужжатларнинг ахтариш нафақат Афғонистон ва Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун стратегик аҳамият касб этди. Жумладан, Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан «Мозори Шариф — Ҳирот» темир йўли ва «Сурхон — Пули Хумри» электр узатиш линияси қуриш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши Афғонистон иқтисодиёти ривожланиши ва афғон халқи турмуши яхшиланишига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Афғонистонга дўстона муносабати, мамлакатимизнинг афғон халқига қўмқалашига тайёр экани рамзи сифатида Термиз шаҳрида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ташкил этилди. Марказда айни пайтда афғонистонлик 96 йигит-қиз таҳсил олмақда.

Мамлакатларимиз вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро мулоқот фаоллашди. Утган бир ярим йил ичида Афғонистондан мамлакатимизга 20 дан ортиқ делегация ташриф буюрди. Қайд этиш кераки, бундай қўламадги делегациялар алмашуви ўзбек — афғон муносабатларида илгари кузатилмаган. Буларнинг барчаси икки томонлама ҳамкорликка янги-ча шукӯҳ бағишламоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилаётган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги халқаро конференция дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларига гоят муҳим ҳисса бўлиб қўшилиди. Чунки бу нуфузли форумда бошқа конференциялардан фарқи ўлароқ, афғон муаммосини ҳал қилиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилиши кутилмоқда. Унда иштирок этиш учун 25 давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари Тошкентга келди.

Жумладан, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифокининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ташқи сиёсий маҳкамалари раҳбарлари ташриф буюрди. Конференция ишини ёритиш учун 300 га яқин оммавий ахборот воситаси аккредитациядан ўтказилди. Жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Россия, Япония ва Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи телеканаллари, ахборот агентликлари ва нашрлари кенг ёритмоқда.

Тошкент конференцияси олдиндан пойтахтимиздаги «Hyatt Regency Tashkent» меҳмонхонасида ўтган «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» форматда ташқи ишлар вазирларининг учрашувида мазкур конференцияни ўтказишнинг амалий жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи сиёсий идоралари раҳбарлари Европанинг 2019 йилда ЕИнинг минтақамизга оид янгилашган стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга доир режасини маълумлади ҳамда Марказий Осиё давлатларининг мазкур жараёнда фаол иштирок этишига доимо тайёр эканини билдирди.

Учрашувада, шунингдек, минтақада иқтисодий, ҳудудлараро йўналишлардаги ҳамкорликни, савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, илмий ва таълим соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Тадбирда Афғонистондаги аҳволни барқарорлаштириш ва пойтахтимизда ўтказилаётган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги Тошкент конференцияси арафасида ушбу давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Европа Иттифоқи томонидан Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, уни ҳудудий иқтисодий ва инфратузилма алоқаларига жалб қилишга доир саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши бўйича фикр алмашилди. Шу билан бирга, 27 март кунини Ўзбекистон пойтахтида иш бошлайдиган Афғонистон бўйича юқори даражали халқаро конференциянинг делегация раҳбарларига киритиладиган якуний Тошкент декларацияси дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган глобал муаммонини бартараф этиш йўлидаги гоят улкан қадам бўлиши таъкидланди.

Ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашувини жорий йилнинг иккинчи ярмида Брюссель шаҳрида ўтказишга қарор қилинди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президентининг минтақада барқарорликни таъминлашга доир ташаббуси Афғонистондаги вазиятни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун шароит яратиш дунё ҳамжамиятининг ҳам хоҳиш-истаги экани ва келгусида Марказий Осиё бўйлаб истиқболли ҳамкорлик муҳитини яратишдан далолатдир.

(Давоми, бошлангич 1-бетда)

ЎЗА

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишнинг энг муҳим омилларидан бири уни дунё ва минтақа иқтисодиётига, жаҳон транспорт-коммуникация тизимига интеграция қилиш ва бу юртда таълим ҳамда маданий-маърифий ишлар савиясини кўтаришдир.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш — Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва тараққиёти кафолатидир

Афғонистон халқи билан Марказий Осиё халқларини, жумладан, биз — ўзбекларни минг йиллар давомида мустақкам тарихий, маданий, этник алоқалар ўзаро боғлаб туради. 1747 йилда Хуросонда Афғонистон давлати ташкил топганига қадар бу географияда бизнинг ва афғонларнинг ажодлари буюк салтанатлар қургани, бетакрор тамаддулар яратгани, дунё, Шарқ ва мусулмон маданияти, фани, адабиёти ва санъатига катта ҳисса қўшган олиму фузалолар айнан мана шу заминдан етишиб чиққани маълум. Афғонистон — Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Камолитдин Беҳзод, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби жаҳон фани ва маданиятида беқиёс из қолдирган буюкларимизнинг хоки ётган тупроқдир. Қолаверса, бу мамлакатда кўп миллатли туркий тилларда сўзлашувчи халқлар ўзбеклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар ва тожикларнинг яшаши маълум. Шу сабабли мана, қирқ йилдирки, Афғонистонда давом этиб келаётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий бўҳрон энг аввало, бутун Марказий Осиё халқлари қатори Ўзбекистон халқини ҳам ташвишга солиб келмоқда.

1989 йилда Ҳайратон кўприги орқали охириги шўро аскарлари Афғонистонни тарк этганидан буён жаҳон ҳамжамияти ва Афғонистоннинг Марказий Осиёдаги қўшни ва қардошлари томонидан бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш бўйича кўп саъй-ҳаракатлар қилинди. Жумладан, 1990-йилларнинг бошида минтақанинг эндикини мустақилликка эришган давлатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон раҳбариятининг ташаббуси билан Тошкент, Олмаота, Бишкек ва Ашхабодда Афғонистондаги қарама-қарши қучлар лидерларининг тинчлик ва ўзаро келишув музокаралари ўтказилган эди.

2001 йил 11 сентябрь Нью-Йоркдаги террористик ҳужумлардан кейин Афғонистондаги аҳвол кескин ўзгарди ва вазият янада чағаллашди. Дунё геополитик ва геостратегик марказларининг рақобат майдонига ва халқаро терроризмнинг марказларидан бирига айланган бу мамлакатдаги мураккаб вазиятдан чиқишнинг йўллари БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, нуфузли мамлакатлар томонидан узоқ йиллар давомида излаб қўрилганига қарамай, 2011-2014 йилларда АҚШ бошчилигидаги коалиция қучлари ўз ватанларига қайтганидан кейин бу ерда қайта тиклаш борасида бирмунча ижобий силжишлар кузатилган бўлса-да, умуман айтганда, Амударё ортидаги ўлкада ханузгача мустақкам тинчлик ва барқарорлик қарор топмади.

Афғонистонда ўнаб йиллардан бери давом этган сиёсий вазият биринчи навбатда Марказий



Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ,
Самарқанд давлат университети
филология факультети декани,
профессор.

Осиё давлатларига салбий таъсир кўрсатганини алоҳида таъкидлаш керак. Дунё океанига энг яқин йўллар ўтувчи, Ҳиндистон ва Жанубий Осиё мамлакатлари каби бозорларга чиқиш ҳудудида жойлашган Афғонистондаги кризис минтақа мамлакатларининг ташқи савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожига ҳам тўсиқ бўлиб келмоқда. Бошқа тарафдан бу ерда минтақа учун янги таҳдидлар ва чақириқлар, хусусан терроризм, диний экстремизм, нарқобизнес ва ноқонуний қурол-яроғлар савдоси каби хавф-хатарлар ҳам сақланиб қолмоқда.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишнинг энг муҳим омилларидан бири уни дунё ва минтақа иқтисодиётига, жаҳон транспорт-коммуникация тизимига интеграция қилиш ва бу юртда таълим ҳамда маданий-маърифий ишлар савиясини кўтаришдир. Бу жараёндар Афғонистоннинг қўшнилари иштирокида амалга ошиши қийин, албатта. Бунини чуқур англаган Марказий Осиё давлатлари, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси кейинги чорак асрдан ортиқ давра мобайнида Афғонистонда тинчликни барқарор қилиш ва бу мамлакатни жаҳон темир йўллари тизимига улаш, ўлкадаги саноат, тижорат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, таълим, маориф ва маданиятни ривожлантириш ва аҳолини озик-овқат билан барқарор таъминлаш бўйича бегарас ёрдам кўрсатиб келмоқда.

2010 йил ноябрь ойида Афғонистоннинг янги тарихида янги саҳифа очилди. Бу мамлакат сарҳадларида

тондаги боши берк кўчага кириб қолган вазиятни Ўрта Осиёдаги давлатлар, биринчи навбатда Ўзбекистонси ҳал этиб бўлмаслигини айтишган эди. Шунингдек, халқаро симпозиумдаги маърузамда дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш борасидаги ишлари фақат унинг қўшнилари бош қўшганида ва фаол иштирок этганидагина муваффақиятга эришиши мумкин эканлигини баён этган эдим, жаҳон мамлакатларидан келган олимлар менинг бу фикримга қўшилган эдилар.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ Афғонистон муаммосига жиддий эътибор қаратди. Марказий Осиё ва унинг бир қисми бўлган Афғонистон билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини юқори савияга кўтариш, минтақада янги-ча, ишонч ва ҳамкорликка, дўстлик ва ҳамжиҳатликка асосланган муҳитни вужудга келтириш вазифасини ўз ташқи сиёсатининг марказига қўйган мамлакатимиз раҳбари бу хусусида халқаро анжуманларда ўзининг амалий таклифларини билдириб келмоқда.

Президентимиз Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, яқин ва узоқ қўшнилар билан конструктив, ўзаро манфаатли ҳамда яхши қўшничиликка асосланган алоқаларни йўлга қўйишга асосланган ташқи сиёсати тамойилларини БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида баътқил баён қилди. Сўнг утган йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги конференцияда, Марказий Осиё, жумладан, Афғонистонда мустақкам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро миқёсдаги қўшма саъй-ҳаракатларнинг кенг қамровли дастурини таклиф этди. Энг долзарб ва ўткир муаммолардан бири — қўшни Афғонистондаги низони ҳал қилмасдан олдимизда турган мақсадларга эришишнинг илоҳи йўқ, чунки у тарихий ва геосиёсий жиҳатдан минтақамизнинг ажралмас бўлага ҳисобланади, дея таъкидлаб ўтган эди давлатимиз раҳбари.

Самарқанддаги халқаро анжуманда сўзга чиқар экан, Ўзбекистон Президенти хавфсизликка таҳдидларни «ўзиники ва ўзгаларники» деб ажратишдан воз кечиш, «ялли хавфсизлик» тамойилига амалда риоя қилиш зарурлигига тўғридан-тўғри даъват қилди.

Мамлакатимиз раҳбари БМТ минбаридан ҳақли равишда таъкидлаганидек:

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолади. Амминизки, Афғонистондаги тинчликка эришишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий қучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир. Музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигида ўтиши лозим. Дошишманд афғон халқи ўз тақдирини ўзи мустиқли ҳал қилишга ҳақлидир...

Президентимиз томонидан Афғонистон билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясини ўтказиш ташаббусининг илгари сурилиши Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича умумий стратегиясининг ажралмас бўлага ҳисобланади.

Тошкент учрашувида иштирок этиш учун Хитой, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ташқи сиёсий маҳкамалари раҳбарлари таклиф этилганлиги, унда Президентимиз ҳамда Афғонистон раҳбарининг шахсан иштирок этилиши форумнинг нақадар жиддийлиги ва нуфузининг юқорилигини кўрсатади. Ишонимизки, бу саммит Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, Марказий Осиёдаги халқларнинг азалий ва абадий дўстлик ва ҳамкорлигини мустақкамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ФИКРИ

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлига эга мамлакат. Унинг ташаббуси эса эътирофга муносиб



Халқаро конференция матбуот марказида

Ибрат ЖУМАБОВЕ (Ибрат Сафо),
ВВС мухбири:

— Халқаро ҳамжамият эътиборини тортган ушбу анжуман Афғонистонда тинчликка эришиш жараёни, хавфсизлик масалаларига қаратилган. Бу биргина давлатнинг иши эмаслиги, тинчлик ҳамма учун, дунё ахли учун ҳаётини муҳим масала эканини ҳисобга олсак, анжуманининг аҳамияти янада ортади. Конференцияни тинчликка эришиш йўлидаги ушбу улкан ҳаракат деб ҳисоблайман. Ўзбекистон айни ҳақиқатга бошчилик қилаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бу эса Ўзбекистоннинг қўшни Афғонистондаги мувоозанатли ҳаётга, у ерда тинчлик ўрнатиш жараёнига бефарқ эмаслигини кўрсатади. Ўзбекистонда бу каби конференциянинг ташкил этилиши ва уни кенг оммага ёритишнинг тизимли йўлга қўйилгани биз, журналистларни

(Давоми, бошлангич 1-бетда)

қувонтиради. Бу жараёнда журналистлар учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланялмиз.

Меҳмет ЖОНПЎЛАТ,
Туркия телерадиокомпаниясининг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси мухбири:

— Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан турғи соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиқни мустақкамлаш борасида олиб бораётган ишлари, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ривожланишига бефарқ эмаслиги эътиборга молик. Ҳар қандай давлат учун тинчликнинг аҳамияти юксак. Қаредда тинчлик бўлса, уш ерда ҳар томонлама ривожланиш бўлади, мамлакат тараққиётга эришади. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилаётган конференция икки қўшни давлат учун ҳам юксак аҳамиятга эга эканини таъкидлаш жоиз.

Бу саъй-ҳаракатлар ўзаро алоқаларни мустақкамлаш билан бирга, Афғонистондаги сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилиши кутилмоқда. Зеро, тинчлик иқтисодий барқарорликка эришиш ва жадал ривожланиш асосидир.

Гюнтер КНАБЕ,
Германиянинг «Deutsche Welle»
телерадиокомпанияси мухбири:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз ечимини қўлиб турган масалалар доирасида Афғонистонда мустақкам тинчликка эришишга оид гоят оламшумул таклифни ўртага ташлади. Дунё экспертлари, бевоситта қўшни мамлакатлар эътиборини айна давлатга қаратиш орқали вазиятни тубдан таҳлил қилиб, барқарор тинчлик ва ривожланишга эришиш асосий вазифа этиб белгиланган. Ўзбекистон мезбонлик қилаётган ушбу конференция ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз. Бутун дунё ҳамжамиятининг эътибори қаратилган анжуманда вазиятни ўрганиб, уни таҳлил қилиб, барқарор тинчликка эришиш йўлида муҳим қарорлар қабул қилиниши кутилмоқда. Айни вақтда бу воқеаларни жаҳон афкор оммаси кузатаётгани ушбу мамлакатлар тақдирини барча учун муҳим эканидан далолатдир.

Даниил КИСЛОВ,
Россиянинг «Фергана.ру» ахборот
агентлиги бош директори:

— Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққий этаётганини эътироф этишдан мамнунман. Айниқса, унинг туристик жиҳатдан юксалаётгани мени хайратда қолдирди. Анчадан буён бу жаннатманд юртда бўлмагандим. Ўз тараққиёт йўлига эга бўлган ушбу давлатдаги ривожланиш, унинг қўшни мамлакатларга муносабати, Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор билан ёндашуви мени журналист сифатида жуда мамнун этади. Айни вақтда бутун дунё экспертлари билан бирга журналистлар ҳам ушбу воқеани

алоҳида эътибор билан кузатмоқда. Чунки қўшни давлатда тинчлик ва оқсоийликка ўрнатишга қаратилган қатор ташаббуслар билан чиқиб, турли лойиҳа ва анжуманларга бош бўлаётган Ўзбекистон қўллаб мамлакатлар билан мустақкам ҳамкорлик алоқаларига эга. Бу ташаббус унинг ўз принциплари, тизимли тараққиёт режасига эга давлат эканидан далолат.

Бу анжуман кейинчалик ҳам ташкил этиладиган бир қатор хайри ишларнинг, кўп томонлама ҳамкорлиқнинг асоси бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

Муҳаммад ЭНЕС ПЎЛАТ,
Туркия телерадиокомпанияси мухбири:

— Ўзбекистон — жуда юксак салоҳиятга эга мамлакат. Имкониятлари жуда кенг. Шу билан бирга, ташаббуслари ҳам халқаро миқёсда гоят аҳамиятли. Қўни-қўшничилик муносабатлари-га жиддий ёндашуви бошқа давлатларга ўрнак бўлгупли даражада. Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлаш, мамлакатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий ва инфратузилмавий муносабатларини тизимли йўлга қўйишдан қўллаб давлатлар бирдек манфаатдор.

Афғонистонда узоқ вақтдан буён давом этиб келаётган турли низолар қўллаб давлатларни ташвишга солади. Албатта, биргина конференция доирасида ушбу муаммо ҳал бўлмаслиги мумкин. Аммо бу каби зғу ишларнинг ҳамкорликда ва тизимли давом этирилиши, қабул қилинишида қарорлар, таклифлар, албатта, ўз самарасини беради, деб ўйлайман. Ушбу анжуман давомида хавфсизлик масалалари, тинчлик ва фаровонликка эришиш, уни ҳал этишнинг муносиб ва ўзаро манфаатли йўлларидаги топиш, ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга ҳаракат қилинади. Бу масалаларнинг натижаси биз учун муҳим.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
Улугбек ШОҲАЗАРОВ
ёзиб олди.


ТОМОРҚА — ТЎКИНЧИЛИК МАНБАИ, ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Кўкламда карсиллаган узум едик...

Олтириқ кўчаларидан кетаётиб, беихтиёр йўл четида тоқдан янги узилган узум бошини қўлида тутиб турган қизалоққа кўзим тушди. Тўхтатиб, у билан гаплашдим. Узумни бобоси берибди. Уй эгаларидан ижозат сўраб, ҳовлига кирдим. Ўзини Юрсунали Хирожов деб таништирган хонадон соҳиби узумзор остига қурилган иссиқхонадан чиқаётган экан.

— Агар харидор бўлсангиз, сотиладиган узум қолмади, — деди у афсуслангандек бўлиб. — Лекин насибангиз қўшилган экан, мана татиб кўринг.

Мен Юрсунали акани гапга тутдим. Сўхбат албатта томорқа ҳақида бўлди. Тафсилотини мен айтмай. Ўзингиз Юрсунали ака ҳикоясини тинланг.



Олтириқлик Юрсунали Хирожов кузда пишган узумни кўкламгача сақлаш сини билди.

— Ёшим етмишга яқинлашди. Аммо кундан кун ёшариб, кучга тўлаётгандек, руҳим ёнгилашиб бораётгандек ҳис қиламан ўзимни. Фарзандларимнинг «хай-хай»ига қарамай деҳқончилик қиламан. Қандай қилиб жим ўтириш мумкин. Бугун юртимизда ҳар соҳада ҳар кун бир янгилик жорий қилинаётган бўлса... Ҳаммаси халқ фаровонлиги, ҳаётдан розилиги йўлида. Президентимиз кўни кеча томорқа хўжалигимизнинг асл аҳолини таҳлил қилиб, тавсиялар бердилар. Ўйлаб қарасам, ҳақ гаплар айтилди. Мана, бизнинг оиламизни олайлик. Уч фарзандим бор. Қизимни узатганман. Икки ўғлим, келинларим олий маълумотли. Нефтни қайта ишлаш заводида ва мактабда ишлашади. Ўзим қурувчи-муҳандис бўлиб ишлаб, нафақага чиққанман. Уч сотиҳ томорқамиз бор. Илгари узум экардик ҳолос. Уч-тўрт йил аввал навларини янгиладим. «Мерседес» ва «Киз бармоқ» навларини экиб, узумзор яратдим. 2017 йилда янги босдан 5 тонна узум сотдим. Мен меваси гулдан тушгандаёқ узум бошларини «чеканка» қиламан. Нимжон донларини териб олиб ташлайман. Шунда мева тез кучга қиради. Узум донаси ёнгоқдек катталиққа етди. Ҳам сифатли, ҳам мазали, ҳам даромадли. Ўтган йили боғимдаги узумни бозор нархидан икки баробар қиммат сотдим. Ҳозир ҳам узум бор. Оилага, бола-чақага деб узум бошини узунроқ банди билан узиб, уни сувдонга солиб салқин, ним қоронги хонага қўйганман. Ҳалигача кўм-кўк банди карсиллаган узум ейсиз. Бундай усулни бу йилги синовдан ўтказдим ва дарҳол бу йилги ҳосилни шундай сақлаш учун махсус ерзула кўрдим. Насиб этса, 6-7 тоннага чиқади ҳосилдорлик. Агар унинг ати-

ги бир тоннасини баҳоргача сақласам борми... Ҳар ҳолда шунинг ўзидан 30-40-миллион сўм даромад деярлик. Ҳа, дарвоқе, ўтган йили томорқадаги узумнинг ўзидан 45-50 миллион сўмгача даромад олдим.

Уйда тек ўтира олмайман. Йил бошида узум остига икки сотиҳда плёнкада помидор эккандим. Ҳозир гуллаб, мева туга бошлади. Ишончим комил, эртаги помидор даромади ҳам узумникидай бўлади. Уч сотиҳдаги саримсоқлиб кўзни қувнатяпти. Айтгандек, у ҳам узум остига, плёнкага экилган. Ҳа энди, рўзгор учун 5-6 хил кашани дейсизми, петрушкаю укроп дейсизми, бир ёқда қалампир... борики, қозонга тушадиган ҳаммаси ҳовлимиздан чиқади. Шундай қилиб томорқага узум экиб, даромадини қўтиб ётганимиз йўқ. Ердан йил давомда икки-уч марта ҳосил олаёмиз.

Албатта, бу гапларни гапириш осон. Оилам фаровонлиги шу томорқага ҳам боғлиқ. Шунинг учун қишин-ёзин пайкал оралайман, дориларим, ўғитлайман, ҳашоратга қарши дори сепаман... Ўғил билан келин ишдан келгандан кейин бир-икки соат ёрдам қилади. Бир томони томорқа туфайли ҳавас қилса арзийдиган уй-жой кўрдим, ҳаммамизда машина...

Энди муаммоларни ҳам айтиш. Илгари фермерлар уюшмаси бор эди-ю, томорқачилар четда қолганди. Ҳолбуки, томорқа бу иш ўрни, даромад, фаровонлик ва ўрт тинчлиги омилларида бири. Ўғитла бурсанг, аввал фермерга бераман, дейди. Уруғчилик, қўчатчилик борасида ҳам шунга ўхша-

ган гаплар эди. Президентимиз ҳаммасини, юрагимиздаги қувонч ҳам, муаммолар ҳам билар эканлар. Томорқанинг афзаллиги, томорқачи даромадини оширишнинг йўллари таҳлил қилиб, тавсиялар бердиларки, «тўхта, мен ҳам томорқамда қиладиган, уни янада сердаромад ерга айлантирадиган ишлар, имкониятлар бор экан-ку», деб қолдим. Ҳозир томорқамдаги узумзорнинг ярмидан иккиламчи, учламчи экин экиб даромад олаёмиз. Бу йил энди ҳаммасининг тағидан плёнка остида бўлғор ҳамда аччиқ қалампир, бақлажон экиб фойдаланялман. Дарвоқе, помидор қўчатчилигини йўлга қўйса ҳам бўлар экан. Агар Президентимиз айтган томорқага хизмат тизими ишга тушса ва биз бу имкониятлардан фойдалансак, одамларнинг йиллик даромади бир ярим-икки баробар ошиши аниқ!

Уэр, кўп гапириб юбордим. Бизнинг Олтириқда, Фарғонада шунангиз томорқачилар борки, уларнинг ишини кўриб оғзингиз очилиб қолади. Полосондаги бир одам иссиқхонада уч қаватли тахмон ясаб йил ўн икки ой кўкат сотади. Улғуржи харидорлар аввалдан пул бериб маҳсулотни кутади. Э, муҳбир ука, бунақа гапларнинг қай бирини айтмай, сизга!..

Юрсунали ака билан хайрлашдим-у, ўзимга ўзим савол бердим: менчи, мен ўз томорқамдан қандай фойдаланялман?!

Муҳаммадҷон ОБИДОВ,
журналист.

Иссиқхоналар қурилгач, оилалар даромади яна кўпайди

Қашқадарё вилоятида томорқалардан самарали фойдаланишга катта аҳамият берилаяпти. Кейинги йилларда лалмикор ҳудудларда яшайдиган аҳоли ҳам ўзларига тегишли экинзорлар ва ҳовлиларда даромад олишнинг ўзига хос усулларида фойдаланишмоқда.

Чироқчи туманининг Чувиллоқ кишлоғида яшайдиган Анвар Меликулов ҳам ана шундай омилкор инсонлардан бири.

— Кишлоғимизда оқар сув йўқ, осмонга қараган халқимиз, — дейди у. — Лекин изланган киши имкон топар экан. Уч йил бурун 40 сотиҳ томорқамизнинг 10 сотиҳига иссиқхона кўрдим. Танишлар орқали мутахассис усталарни Фарғона водийсидан чорладик. Иссиқхона битди. 70-80 метр чуқурликдан сув чиқадиган қудук қаздирдик. Шу-шу ишлар юришиб кетди...

Анвар бизни иссиқхона ичкарасига бошлади. Оила асосан бодринг ва помидор экар экан. Ўтган йили 20-25 милли-

он сўм даромад олибди. Бу йил февралнинг бошида эккан бодринг ва помидор ниҳоллари гулга кирган. Яна қоғоз стаканларда қўчатлар яшаб турипти. Уларни бозорга чиқариб сотишаркан...

Қозоқ кишлоғининг шароити ҳам чувиллоқликларникидан ортиқ эмас. Яхши ҳам ер тағидида чуқур сув мўл экан, аҳолининг жонига шу ора қираяпти.

Бир шинамгина иморат қаршисида тўхтаймиш. Уй эгаси Раҳматилла Мавлудов ичкари киришга унамаганимиздан кейин, дастурхонада нон олиб чиқди.

Атрофга разм соламан. Ҳовли 50 сотиҳдан кам эмас. Ундаги зардони ва олма дараст-

Кўпчилик томорқа эгалари ҳар қарич ердан унумли фойдаланаётган бўлса-да, орамизда тасарруфдаги ерларни ўз ҳолига ташлаб қўйган ёки номигагина маккажўхори, беда экадиган кишилар ҳам йўқ эмас.

Апрелда қулупнай, май ойида гилос, сўнгра...

Сурхондарё вилоятининг бетакдор табиати турли ноз-неъматларни етиштириш ва улардан мўл ҳосил олиш имконини беради.

Бугунги кунда папая, банан, ҳинд чойи, стивия, шакарқамиш, киви каби ўсимликлар иқлимлаштирилаяпти. Қулупнай, малина, бодринг, помидор, саримсоқлиб, бақлажондан яхшигина даромад олаётганларни истаганча топиш мумкин.

Денов туманидаги «Чўнтош» маҳалласи аҳли бу борада кўпчиликка ўрнатилган. Қир ва адирлар эстагида жойлашган гўшанинг табиати мусоффо, иқлими мўътадил. Бу ердаги 538 хонадонда 2 минг 600 нафар аҳоли истикомат қилади.

— Маҳалладошларимиз тадбиркорлиги билан ном қозongan, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП фаоли Ҳимматой Аллаёрова. — Кекса-ю ёш йил бўйи томорқадан чиқмайди, тинмай меҳнат қилади. Шу туфайли дастурхонларимиз тўкин, кўнгуллар хотиржам, бозорларимиз обод. Абдурайим Очилов кўп йилдан бўён малина етиштиряётган бўлса, Ўроқ Бўронов плёнка остига эртапишар картошка экишни йўлга қўйган. Неъмат Саҳимов 4 сотиҳли иссиқхонада сарҳосил анжир навларини кўпайтирапти. Самандар Юсупов, Ғани Ҳасанов, Бекназар Раҳматов, Пулат Абдураҳмоновларнинг

томорқаларидаги қулупнай, помидор, бодринг ва турли қўчатлар барқ уриб ўсмоқда.

Маҳалла фаоллари ҳамроҳлигида хонадонларда амалга оширилаётган баҳорги юмушлар билан ақиндан танишдик.

— Бу йил қиш анча илқ келди, — дейди меҳнат фахрийси Тошмамат Ҳакимов. — Ангор, Денов, Қумқўрғон, Термиз туманларидаги иссиқхоналарда етиштирилган помидор, бодринг, қўкат ва қулупнайлар қишда ҳам Россия, Қозоғистон, Афғонистон ва Тожикистон давлатларига экспорт қилинди. Ўн сотиҳли томорқамизнинг ярмида қулупнай етиштиряёмиш, қолган қисмига бодринг, картошка, пиёз, помидор, бўлғор қалампир экилган. Ҳовлида мўъжаз боғ барпо этганимиз. Ўттиз боғга яқин чорва моллари ва парранда рўзгорининг баракаси. Сут, қатиқ, қаймоқ ва туҳум ўзимиздан чиқаяпти. Ортганини эса кўни-қўшнига улашамиз. Яқин кунларда қулупнайни бозорга чиқарсак, май ойида эртапишар гилосга мижоз келади. Қузда мевалар йиғиштирилади. Ҳуллас, 10 сотиҳли томорқадан уч марта ҳосил олиб, ҳар йили ўртача 15-20 миллион сўм фойда кўраёмиш.

— Меҳнат қилган киши учун ер битмас-туганмас хазина, — дейди тадбиркор Зокир Абдураҳмонов. — Унга меҳр берилса, саховатини аямайди. 2005 йилнинг қузида 10


лари ҳосилга кирган. Токлар ишқомга қўтарилган.

— Шуҳрат деган дўстим бор, — дейди Раҳматилла. — 1,5 гектарлик иссиқхонаси бор. Биз ҳам унга ҳавас қилиб, ўтган йили 21 сотиҳ ерга иссиқхона қуриб олдик. Бодринг ва помидор қўчатларини андижонлик ҳамкорлар келтириб, экиб беришди. Натижа ёмон бўлмади, биринчи йилда 18 миллион сўмга яқин фойда олдик.

Раҳматилла бизни ҳовлининг бир четидаги янги қурилган иморат сари бошлади. Ичкарига қирамиш. Бу — паррандахона экан. Мен Шаҳрисабз, Яқабғор ва бошқа туманлардаги усқунаси хориждан келтирилган товўқхоналарни кўрганман. Аммо Раҳматилланинг 5 минг товўққа мўлжалланган паррандахонаси улардан кам эмасди. Суриштирсам, у паррандачилик соҳасида ўқиган экан. «Шўртангазким» маҳмуи қошидаги замонавий паррандахона қурилишида ишлаб, тажриба орттирипти.

Чияли кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Бойназаровнинг айтишича, 9 минг аҳоли 350 гектар ерда томорқа билан шугулланаётган экан. 100 га яқин оила ўз иссиқхонасини қуриб олибди. Даромади яхши эмиш. Табиат қийинчиликлари миришқорлик билан ёниб, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшаётган чиялиликлар ташаббуси бошқаларга ҳам ўрнак қилиб кўрсатса бўлади.

Юнус УЗОКОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ

Нотариал идораларга мурожаат қилувчилар учун тушунарси бўлган ортиқча ҳисоблаш механизмларини бартараф этиш, ходимлар томонидан коррупцион кўринишдаги ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш ҳам устувор масала, деб ҳисоблаймиз.



НОТАРИАЛ ИДОРАЛАР: Давлат божини ундириш тизими шаффоф бўлиши керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 338-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига алоҳида эътибор қаратишди. Нотариал идораларга мурожаат қилувчиларга кўрсатилган давлат хизматларини янада соддаштириш, аҳолининг ҳуқуқи ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ушбу қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати туғилгани таъкидланди.

— Лойиҳа амалиётда юзга келадиган муаммоларни, қонун ҳужжатларидаги бўликларни бартараф этишга хизмат қилади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Саҳобиддин Арзикуллов. — Яъни, нотариал идораларга мурожаат этувчилар учун юзга келадиган бўлган ортиқча харажатлар ва оворасарчиликларга барҳам бериш кўзда тутилган.

Масалан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш учун мерос очилган кунда ворислик тартибида ўтаётган бутун мол-мулкнинг қийматидан давлат божини ундирилади. Хусусан, мерос очилгандан сўнг анча вақт ўтиб, мурожаат қилинганди, мерос мулкнинг давлат ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри корхонаси томонидан ҳозирги қиймати ҳамда мерос қолдирувчи вафот этган вақтдаги қиймати кўрсатилиши керак. Бу каби тушунмовчиликлар автотранспорт воситалари мерос қолдирилганида ҳам юзга келмоқда.

Фракциямиз фикрича, ушбу йўналишда аниқ ва соддаштирилган механизм ишлаб чиқиши керак. Ана шунда нотариуслар томонидан давлат божини ундиришда юзга келадиган қийинчиликларга барҳам берилади. Шунингдек, лойиҳада давлат божла-

рини ундиришда шаффофликни таъминлашга қаратилган ўзгаришларга янада ойдинлик киритиш лозим. Нотариал идораларга мурожаат қилувчилар учун тушунарси бўлган ортиқча ҳисоблаш механизмларини бартараф этиш, ходимлар томонидан коррупцион кўринишдаги ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш ҳам устувор масала, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун берилаётган таклифлар аниқ ва қатъий тартибни белгилашга хизмат қилиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун қатъий белгиланадиган давлат божини ундириш тизимини ўрнатиш таклифи эълон қилинди. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун қатъий белгиланадиган давлат божини Вазирилар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши кўзда тутилмоқда. Фракциямиз бу таклифни қўллаб-қувватлади.

— Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун давлат божини ундиришда аниқ миқдорлар белги-

лашиши тўғри бўлади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев. — Нотариуслар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биноларида сайёр қабуллар жараёнида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлари учун давлат божини икки баравар миқдорда ундириш мантиққа зид ҳолатдир. Шунинг учун бу амалиётга чек қўйиш кўзда тутилган.

Бу орқали сайёр тартибда ўтказилган нотариал ҳаракат учун ундириладиган давлат божлари миқдорига нисбатан фуқаролар эътирози ва норозиликларига барҳам берилади. Шунингдек, давлат божларини ундиришда шаффофликни таъминлаш, нотариал идораларга мурожаат қилувчилар учун тушунарси бўлган ортиқча ҳисоблаш механизмларини бартараф этишга эришилади.

Фракция аъзолари «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси долзарб аҳамият-

га эга эканини таъкидлашди. Лойиҳа ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш механизмни такомиллаштириш, йўловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, тегишли давлат органлари томонидан олиб бориладиган назорат ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

— Қонунда белгиланган тартибда тузиладиган ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси ҳамда йўловчиларни ташиш учун бериладиган лицензия қарточкасининг амал қилиш муддати ўзаро мувофиқлашмаган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов. — Натижада транспорт воситасининг лицензия қарточкаси амал қилиш муддати уч ойдан сўнг тузатишга қарамадан, ташувчи қонун талабларига мувофиқ бир йилга суғурта шартномасини тузишга мажбур бўлмоқда. Шу билан бирга, суғурта полисининг ҳар бир транспорт воситасига берилиши аниқ кўрсатилмаган, яъни ҳар бир транспорт воситасига хос бўлган хусусий (транспорт воситасининг тури, маркаси, модели, рақамли белгиси, ишлаб чиқарувчи завод паспортлари бўйича йўловчи сифими) маълумотлар ўз аксини топмаган.

Фракциямиз аъзолари ушбу ноаниқликларни бартараф этиш юзасидан пухта ва қулай бўлган механизм ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди. Ана шунда аниқлаштириш талаб қилиниши керак. Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини уч ойдан бир йилга муддатга тузиш мақсадаги мувофиқ бўлади. Шартномага киритилган транспорт воситасининг барча маълумотлари тўлиқ кўрсатилган суғурта полисини ҳар бир транспорт воситаси учун алоҳида бериш тартиби жорий этилишини ҳам фракциямиз аъзолари қўллаб-қувватлайди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ КЕНГАШИ
ПЛЕНУМИ

Камчиликлар ҳақида кўпроқ ўйласак, фаолиятимизда ўзгариш бўлади

Нукус туманида ЎзХДП
Қорақалпоғистон республика
кенгашининг пленуми бўлиб
ўтди. Унда партия кенгашлари
ва депутатлик бирлашмалари
фаолияти танқидий таҳлил
қилинди.



— Ўтган йили 15 та туман (шаҳар) Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан электрот манфаатларига боғлиқ масалалар бўйича 17 мансабдор шахснинг ҳисоботи сессияларда кўриб чиқилган, — деди Қорақалпоғистон республика партия кенгаши раиси ўринбосари Нукусбой Ганиев. — Лекин бу натижа бизни қониқтирмайди. Сайловчилар билан 350 га яқин учрашув ўтказилган бўлса-да, уларда қонун лойиҳалари чуқур муҳокама қилинмаган, сайловчиларнинг тақдир ва мулоҳазалари олинмаган. Бу камчиликлардан тегишли ҳулоса чиқариб олишимиз керак.

Ўтган давр мобайнида фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва реал даромадларини ошириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, кексалар, ногиронлиги бўлган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазириликлари, Ногиронлар ва Кўзи оғирлар жамиятлари билан ҳамкорлик меморандумлари қабул қилиниб, улар доирасида амалий ишлар олиб борилади.

Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида Жамоатчилик қабулхоналарига тушган 571 мурожаатнинг 93 фоизи ижобий ҳал қилинган. Қолган мурожаатларнинг ижроси назоратта олинган.

— Шаҳар ва туман партия кенгашларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилляпти. ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан Нукус туман кенгашига 62 миллион сўмга барча қулайликларга эга бино сотиб олиб берилган бизни қувонтирди, — дейди Нукус туман партия кенгаши раиси Сўйиндик Абдумуратов. — Албатта, бунга жавобан биз иш услубимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Электрот вакиллари билан мулоқотни тизимли йўлга қўйишимиз, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳининг ишчанлигини оширишимиз талаб этилади.

2017 йил давомида партиямиз Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича партия гуруҳлари ва доимий комиссияларда 80 масала, сессияларда эса 46 масала кўрилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган. Депутатлар томонидан 364 депутатлик сўрови юборилган.

— Ўтган йили туман Кенгашида депутатларимиз ташаббуси билан 4 масала сессияда кўриб чиқилди, — дейди Амурдур туман партия кенгаши раиси Махсуд Саъдуллаев. — Шундай ҳулосага келдикки, астойдил ҳаракат қилсак, натижа бўлар экан. Биз аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари, ёлғиз яшовчи кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, бу ишларда депутатлик гуруҳи назоратини қўлайлаштиришга эътибор қаратишимиз керак.

Партия ташкилотлари фаолиятининг таҳлили шунинг кўрсатмоқдаки, амалий ишларни кўз-кўз қилиш эмас, кўпроқ камчиликларимизни бартараф этиш ҳақида ўйлашимиз, аниқ чора-тадбир кўришимиз зарур.

Пленумда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ



ИШИМИЗ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?..

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши VIII пленуми бошланиши аввалида Ўзбекистон Қайрамон, Шаҳрихон туманидаги 53-мактаб директори Камолитдин Гопировни партиядошлар даврасида учратдим. Улар пленум кун тартибига қўйилган масалалар хусусида мулоҳаза юритишарди.

— Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари олдида турган вазифалар ҳар биримизни фидойиликка, уйғоқликка чорлайди, — деди Камолитдин Гопиров. — Масъулиятни оширишимиз, кўпроқ одамлар орасида бўлишимиз, уларнинг мақсад-муддаоларига қўлоқ тутишимиз керак. Шундагина электрот ишончини оқлаймиз, юзимиз ёруғ бўлади. Қуруқ гап билан иш битмайди. Амалий иш қилган ютди, элнинг дуосини олади.

— Кўнглимдагини айт-дингиз, — деди вилоят ар-

хив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи, Андижон шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Шаҳобиддин Хайдаров. — Ўзимизга талабчан бўлсак, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантурсак, ишимизда илгариларга бўлади. Депутатларнинг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлигини кучайтириш керак. Ўзимнинг тажрибамни айтсам, маҳалла борама, сайловчилар билан кунора кўришаман. Жорий йилнинг биринчи чорагида катта-кичик идораларга 25 депутатлик сўро-

ви юбордим. Уларда кўтарилган муаммоларни ҳал этмагунча тўхтамайман. 4 нафар фуқарога ногиронлик аравачаси келтириш ҳаракатидаман.

«Тахтақўприк» маҳалласидаги ёш оиланинг ўйи ёнғин туфайли ярқисиз ҳолга келди. Улар бир нафар фарзанди билан қариндошиникида турибди. Вилоят Ёшлар иттифоқи фаоллари билан ушбу ёш оилани янги қуриладиган кўп оиватли уйлардан ажратилиши чорасини кўряпмиз.

«Қаландархона» маҳалла фуқаролар йиғинида оқсоқоллар билан кўришганимизда, ҳудуддан оқиб ўтаётган Оқровот каналини тозалаш зарурлигини билдиришди. Тегишли ташкилотлар жалб этилди.

Депутатлик сўрови асосида «Тўқизариқ» маҳалласида электр сим устунлари, замонавий русумдаги трансформатор ўрнатилиши бошланганида кўпни кўрган кексалар дуо қилишди.

Партия фаоллари, депутатлар тиниб-тинчимаслиги керак. Шундагина сизу бизга ишонч ортади.

Пленум танқидий руҳда ўтди.

— Дастлабки пайтларда айрим идора, ташкилотлар сўровимизга беписандроқ қарашди, — деди Балиқчи туманидаги 45-мактаб директори, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Назокат Ҳасимова. — Талабчанликдан тегишли ҳулоса чиқаришди, ҳозир сергак муносабатда бўлишмоқда. «Аълам» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддан ўтадиган Қорадарёнинг ўзанини мустаҳкамлаш Фавкуллода вазиятлар вазири, Норин-Қорадарё ирригация сув ҳавзалари бошқармаси кўмағида бажариляпти. 19 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу сингари 15 сўров асосида амалий ишлар қилинляпти.

— Пленумга долзарб масалалар қўйилган, — деб фикрини баён этди ЎзХДП Асака туман кенгаши референти Шаҳноза Сиддиқова. — «Йўл харитаси»га кўра, жойларга қияпмиз, фуқароларнинг муаммоларини ўрганапмиз. Одамлар кўнглини очиб, кўмак сўрашляпти. «Байналмилал»

маҳалла фуқаролар йиғинида бир аёл тортиниб, уйи таъмирталабни билдирди. Икки фарзандли ёлғиз аёлга маҳалладан хомийлар топдик. Масала эътиборимизда турибди...

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари жорий йил январь-февраль ойларида вилоятимизнинг Пахтабод, Кўронтела, Олтинкўл туманлари ҳамда Хонобод шаҳрида уйма-уй юриб аҳолини ўрганди. Туманлар ва шаҳарда кенг қўламдаги ишлар авж олди. Муаммолар жойида ҳал этилиши таъминланмоқда. Депутатлар жойларда маҳаллий бошқарув идоралари билан мулоқот қилляпти.

Фаолиятимизни замонавий талаблар асосида такомиллаштирмасак, ютказамиз. Партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ҳамда бугунги кундаги долзарб масалалар ечимни жойларда ишни қандай ташкил этишимизга боғлиқ.

Ҳақиқат аччиқ. Тан олишимиз керак, барчамиз қўйилган вазифалар моҳиятини тўлиқ англаб, фаоли-

ят олиб борганимизда, салмоқли натижалар намойён бўларди. Энди ҳонада ўтириб эмас, ҳудудларга бориб, одамлар билан яқиндан гаплашсакгина ишимиз юришадди. Жўяли таклифлар чиқадди.

Ҳама партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлари аравани бирдек фаол тортаётгани йўқ. Ҳаракатларимиз натижаси ўзимизгагина эмас, партия ташкилотлари, кенгашига баҳо бўлади.

Янгича тарзда ишлаш қатъий талаб. Бундан бун ҳудудий кенгашлар пленумларида халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг чора-тадбирлар дастурининг ижроси бўйича ҳисоботларини эшитиш тизимли жорий қилинади. Ҳар бир депутатнинг фаолияти танқидий кўриб чиқилади.

Пленумда ушбу масалалар атрофича кўриб чиқилди ва муҳим қарорлар қабул қилинди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИ

ИНСОН ҲУҚУҚИ, ЭРКИНЛИГИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Бугун мамлакатимизда юксак талабчанлик билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари замирида фуқароларимиз ҳуқуқи, эркинлиги, шаъни, кадр-қимматини муносиб ҳимоя этишдек инсонпарвар ғоя мужассамлиги ҳар биримизга яхши маълум. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан сўнг бу масалага янада жиддий эътибор қаратила бошланди.

Маълумки, ушбу Фармонда кўзда тутилган бош мақсад суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, жиноят процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада тақомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, яъни қонун олдида ҳаммининг тенглигини амалда намойён этишдан иборатдир.

Афсуски, ўтган даврда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан қатор камчиликларга йўл қўйилгани, бу ҳолат аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлгани биз сабоқ чиқариб олишимиз керак бўлгани аниқ ҳақиқатдир. Фармонда таъкидланганидек, жиноят ишларини тергов қилиш ва қўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ҳамда ҳолисликни таъминлашга тўқинлиқ қилувчи ҳуқуқий бўшлиқ мавжудлигини ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили ақвол кўрсатди.

Бугунги талаб шундан иборатки, суд органларининг биринчи даражадаги эътибори Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари ҳимояси бўйича кафолатланган барча тартиб қоидаларга, аниқроғи, конституцион принципларга оғишмай амал қилиш

керак бўлади. Қонуннинг бу нормаларига риоя қилишдан ҳар қандай чекинш жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади. Ўз навбатида, бундай ҳатти-ҳаракатлар тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

Фармоннинг 2-банди талабларига эътибор қаратайлик. Унда «жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик таъйик ва кадр-қимматини камситувчи муомала турларини қўллаб» шахсни эркин фикрлаш, ҳақиқатни баён этиш каби имкониятлардан фойдаланишга босим ўтказиш йўли билан олинган кўрсатувлардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқчиманки, суд-тергов фаолиятини амалга ошириш жараёнида бу каби ҳолатларга дуч келинган вақтда ёки айбланувчи, судланувчи томонидан шикоятлар бўлганда, судьялар бу ҳолатларни албатта текшириб қўриши, бунинг учун бир қанча процессуал ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлади. Масалан, шахсни ҳибсда сақлаб турган ҳибсхона маъмуриятининг тиббий ёрдам қисмига ёки шахс мурожаат қилган тиббий муассасига ёзма равишда сўровнома юбориши, олинган тан жароҳати юзасидан маълумот мавжудлигини



аниқлашга киришиши керак. Агар тан жароҳати излари сақланиб қолган бўлса, бу жароҳатлар етказилган вақтни аниқлаш мақсадида тиббий экспертиза тайинланади. Шунингдек, ҳибсда сақланаётган шахс ўзига нисбатан содир этилган ҳаракатларни қонуний баҳолаш қийинлашади.

Ушбу Фармоннинг моҳиятига назорат этувчи органга мурожаат қилганлиги ҳақида суриштирилади. Шунингдек, ҳибсда сақланаётган шахснинг мурожаати ҳақиқат эканини тасдиқловчи биринчи белгилар суд-тергов фаолиятига етиб келмай йўқolib кетган ҳоллар оз эмас.

Суд ислохотлари ҳақида гап кетганда, суднинг бош вазифаси инсонни жазолаш эмас, балки унинг ҳуқуқини ҳимоя этиш эканлиги тақрор ва тақрор ҳолатлар юз берадики, биринчи марта тергов бераётган ёки судланаётган шахс ўзининг конституцион ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билмаслиги, ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги оқибатида адвокат ёки таржимон хизматидан фойдаланишни шарт эмас, деб ҳисоблаб, ўзини ўзи

қийин аҳволга солиб қўйиши, ҳақиқий ҳолат аниқланишини мураккаблаштириб юбориши, гоҳида эса далиллар йўқolib кетишига сабабчи бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида содир этилган ҳаракатларни қонуний баҳолаш қийинлашади.

Ушбу Фармоннинг моҳиятига назорат этувчи органга мурожаат қилганлиги ҳақида суриштирилади. Шунингдек, ҳибсда сақланаётган шахс ўзига нисбатан содир этилган ҳаракатларни қонуний баҳолаш қийинлашади.

маълум қиладилар. Лекин бундай аризалар судга етиб келмаган ҳолатлар кўп учрайди. Эндиликда бундай ариза ва шикоятлар прокурор томонидан мажбурий тарзда текширилиши мазкур Фармон билан мустаҳкамланди. Бу талаб-қоидалар фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ҳозирги кунда фуқаролардан судларга бўлаётган мурожаатлардан қўриқиб турибдики, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва билими ошиб бормоқда, суд-ҳуқуқ идораларига ишонч ҳам мустаҳкамланмоқда. Бу ўзгаришларнинг асосий омиллари суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг ижроси юзасидан амалий ишлар олиб борилаётганида эканлигини эътироф этиш керак. Шу ўринда тақрор бўлсада таъкидлаш керак, 2017 йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганлиги, ваҳоланки, унгача охириги беш йилда атиги 7 нафар шахс оқлангани Фармоннинг шарҳида алоҳида таъкидланди. Бундан ташқари, жорий йилда дастлабки тергов органлари томонидан реабилитация ва бошқа асослар бўйича 3511 нафар жиноят иши тугатилган. Демак, суд мустақиллигини таъминлаш орқали фуқаролар ҳуқуқлари қонуний ҳимоясини мустаҳкамлаш борасида муҳим қадамлар ташланмоқда. Шунинг ҳам айтиш керакки, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳуқуқий ҳужжатлар яратилмоқда. Аммо улар ҳаётга қандай жорий этилиши биз суд-ҳуқуқ органлари ходимларининг билими, маҳорати, қатъиятлиги ва ҳолислигига боғлиқ.

Ёкутхон ҲАЙДАРОВА,
Жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улугбек туман суди
раиси.

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ – АМАЛДА



Жиззах вилоятида «Обод қишлоқ» дастури доирасида яна бир манзил — Фориш туманидаги Оқтом қишлоғида ҳам қайта қуриш, ободонлаштириш ишлари бошланди.

ОБОД БЎЛАЁТГАН ОҚТОМ

Жиззах — Фориш автоёли бўйида, туманга кириш дарвозаси бўлган Оқтом қишлоғининг «Обод қишлоқ» дастурига киритилиши бежиз эмас, албатта. Жанубий Қизилқумнинг Нурота тоғ тизмалари туташ қисмида собиқ тузум даврида сувсиз даштдаги давлат қорақўлчилик хўжалигининг асосий ғалла хирмони, дон омбори вазифасини ўтаб келган қишлоқ ўтмишини кекса авлод вакиллари эслашади. Ҳақиқатан ҳам, ўша даврларда 30-35 хонадондан иборат «Зерновой» деб аталган бу қишлоқча аҳолиси барқарор ойлик маошдан ташқари, давлат хирмони ва омборидан «тўкилиб қолган» дондан ҳам улушини олиб тургани учун сувсиз, коммунал, маиший қулайликларсиз ҳам ҳаётдан рози яшаган.

Аммо давр ҳам, қишлоқ ҳам ўзгарди. Худуднинг тарихий номи билан аталадиган Оқтом бугун 509 хонадондан иборат 2 минг 851 нафар аҳоли истиқомат қилаётган катта қишлоққа айланган. Қишлоқ катта бўлган, истеъмол, талаб, эҳтиёж ҳам шунга яраша бўлади. Энди тирикчилиги чорвачилик ва қисман деҳқончилик бўлган қишлоқ одамларининг ҳаёти ҳавас қиларли эмас. Негаки, кейинги йилларда қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар тўпланиб қолган эди.

Туман ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган қишлоқни ободонлаштириш дастурида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар бир оила турмуш фаровонлигини юксалтириш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш чоралари белгиланган. Ушбу дастурга мувофиқ, Наврўз байрами арафасида қишлоқда кенг қўлмали ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш тадбирлари бошланди.

Шу кунларда Оқтом қишлоғида иш қизган. Тумандаги қорхона, ташкилот, муассасаларнинг юзлаб ишчилари, техника воситалари ҳашарга жалб этилган. Худуддаги 16-, 35-умумтаълим мактаблари, қишлоқ врачлик пунктида таъмирлаш, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Қишлоқ ўртасидан ўтган йўл атрофидаги дарахларга шакл берилиб, оқланмоқда. Қуриган дарахлар кесилиб, улар ўрнига япон сафораси ва арча кўчатлари экиляпти.

Электр узатиш тармоқлари таъмирланиб, симёғочлар янгиланмоқда. Ички

йўлларга шағал тўкилиб, текислаш ишлари бошланди. Эски, пасткам ва яроқсиз ҳолга келиб қолган бинолар бузилиб, ўрнига янгилари қад ростлаётди. Кам таъминланган 13 оила уйлари жорий таъмирланиб, том қисми алмаштирилди.

— Давлат идоралари бизнинг ҳолимиздан хабар олиб, турмушимизни енгиллатишга эътибор бераётганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилмоқда, — дейди уй бекаси Мухаббат Эрдонова. — Масалан, бизнинг уйимизни таъмирлаб беришди. Томоркамизга сув чиқариш, экин экишга ёрдамлашмоқда. Натижада ҳар биримизда яхши яшашга иштиёқ кучайди.

Амалга оширилаётган ишлар давомида томоркадан самарали фойдаланиш, қўшимча даромад олишга эътибор қаратилмоқда. **Ўрганишлар жараёнида аксарият аҳоли томоркадан самарасиз фойдаланаётгани маълум бўлди. Масалан, Фахриддин Қўйчиев деҳқон хўжалиги ташкил этиб, бундан бир неча йил олдин 36 сотих ерга эккан тоқлар қаровсизликдан қуриб қолган. Худди шундай умри бехуда ўтаётган ерлар анчагина.**

Шунинг учун туман қишлоқ хўжалиги бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан ҳар бир хонадон соҳибига ердан фойдаланиш бўйича маслаҳат, амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Оқтомда «Обод қишлоқ» дастурини амалга ошириш бўйича туман ишчи гуруҳининг дала штаби фаолият кўрсатаётди. Штабда бандликка қўмаклашиш маркази, архитектура, тижорат банклари, ўрмон хўжалиги ва бошқа ташкилотлар мутахассислари аҳолига зарур маслаҳатлар бериши учун барча қулайлик яратилган.

Қишлоқ худуди 6 секторга бўлиниб, ишларни аниқ режа асосида олиб бориш учун масъул раҳбар тайинланган. Режалаштирилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш туман ҳокими Абдували Мустанов томонидан шахсан назорат қилиб боришмоқда.

Дастурга мувофиқ, қишлоқ гузари ва фуқаролар йиғини биносини қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бундай кенг қўлмали қурилиш ва ободонлаштириш ишлари Оқтомни кундан-кун обод ва кўркам қишлоққа айлантирмоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон ва Испаниянинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлиги истиқболлари муҳокама этилди

Мамлакатимиз компанияларининг вакиллари аграр, озиқ-овқат саноати, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги сайёҳлиги соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш мақсадида Испанияда бўлдилар.



Ушбу сафар чоғида мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонаси томонидан Испаниянинг «EuroCarga» компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон — Испания амалий семинари ташкил этилди. Мазкур тадбир қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик жабҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик салоҳияти ва унинг истиқболларига бағишланди.

Испаниянинг йигирмага яқин йирик компанияси раҳбарлари ва вакиллари иштирокида бўлиб ўтган ушбу семинар чоғида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти тақдим этилди. Тадбир катнашчилари мазкур тақдимот воситасида мамлакатимизнинг табиий афзалликлари ҳамда савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикликни ривожлантириш учун яратилаётган қулайликлар билан яқиндан танишдилар.

— Бу семинар Ўзбекистон-

да кечаётган иқтисодий модернизациялаш ва ислохотлар жараёнидаги бизнес юритиш, шу жумладан, чет эл капитали ва технологиялари асосида ўзаро ҳамкорлик учун яратилган шароитлар ҳақидаги маълумотларни «биринчи қўлда» олиш имконини берди, — деди **Кастилия-Ла-Манча минтақаси ҳукуматининг Ташқи муносабатлар агентлиги бўлими бошлиғи Виолета Лупашку**. — Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги стратегияси амалга оширилаётгани, ҳусусий секторнинг ташқи бозорларга чиқиш учун интилаётгани, сармоялар ҳамда ноу-хауни жалб этиш учун қулай шароитлар яратилаётгани биз учун қувонарли ҳолдир.

Кастилия-Ла-Манча минтақаси агросаноат жабҳасида фаолият кўрсатадиган ўзбек компанияларига ўзаро ҳамкорлик учун катта истиқболларни тақ-

лиф этиши мумкин. Биз бугун бу борадаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш мақсадида ҳар икки томонга манфаат келтирадиган қатор йўналишлардаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдик.

Ўз навбатида, **«JHuete International» компанияси менежери Хавьер Уете** Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш бўйича янги ва катта эътиборга сазовор бўлган давлат дастурларининг ҳаётга тадбиқ этилишини Испанияда жиддий қизиқиш билан кузатиб боришгаётганини маълум қилди.

— «JHuete International» замонавий иссиқхоналарни лойиҳалаштириш ва қуришга етакчи компанияларидан бири ҳисобланади, — деди у. — Мамлакатларимиз қўшма истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасида улкан салоҳиятга эга. Ўзаро ҳамкорлик бу йўналишда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради. Ҳозирги пайтда биз Ўзбекистон бозорини батафсил ўрганиш билан бирга Испания технологиялари асосида замонавий иссиқхоналар барпо этиш юзасидан қўшма қорхона тузиш имкониятини кўзда тутадиган бизнес лойиҳаларимизни тайёрлаётимиз.

Мухтасар қилиб айтганда, Мадридда бўлиб ўтган ушбу тадбир икки мамлакатнинг тадбиркорлик субъектларига пишлоқ, йогурт сингари ва бошқа сўт маҳсулотлари, чорва озуқалари, қўшма қорхоналар тузиш йўли билан бошқа турли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, замонавий иссиқхоналарда мева-сабзавот етиштириш, ёнғоғ узукчалари ўрнатилуш каби йўналишларда ўзаро кўперацияни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама этиш учун яхши имкониятни яратди.

«Жахон» АА,
Мадрид.

Наврўз — элимизда ободлик, тинчлик-тотувлик, миллатлараро аҳиллик, бағрикенглик рамзи, қалбларимизда эзгулик уйғотадиган ҳақиқий шарқона байрам. Барчамиз орзиқиб кутадиган байрам.

ҚАДИМИЙ ВА СУЮКЛИ БАЙРАМ

Мутахассисларнинг фикрича, бу байрамнинг тарихи 4-4,5 минг йиллик ўтмишга бориб тақалади. Бериш бобомиз шундай ёзади: «Бу кун — фаришталар қадрлайдиган кундир, чунки шу кун фаришталар яратилган. Бу кунни пайгамбарлар ҳам қадрлайди, чунки шу кун қуёш яратилган. Бу кунни шохлар ҳам қадрлайдилар, чунки бу кун йилнинг биринчи кунидир». Яна тарихий манбаларга кўра, Аҳамонийлар даврида Наврўз ҳаёт янгилишини рамзи сифатида нишонланган. Бу ҳақда Умар Хайёмнинг «Наврўзнама» китобида ҳикоя қилинган.

Наврўз асосан баҳорий тенг кунлик 21-22 мартдан бошлаб нишонланган ва бир ҳафта, ўн кун, ҳатто, баъзи жойларда бир ойгача давом этган.

Мустақиллик арафасида, ҳали собиқ иттифок ҳукмрон бир пайтда маънавий ҳаётимизда ўзига хос бурилиш ясаган муҳим бир тарихий ҳужжат имзоланганини бугун қувонч билан эслаймиз. Биринчи Президентимизнинг 1990 йил 3 майдаги фармони асосида 21 март — юртимизда Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш кунини, деб эълон қилинган эди.

Ўтган йиллар мобайнида қадимий урф-одатларимиз, маросимларимиз қайта кўз очди, Наврўз умумжаҳон байрами сифатида тан олинди. 2009 йилда ЮНЕСКО томонидан Наврўз инсониятнинг номоддий маданият мероси-рўйхатига киритилган.

Юртим, ҳар кунинг Наврўз бўлаверсин!

Хуришд ТАНГРИЕВ

ЭЪЛОН

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партия устави — 1000 дона, кўкрак нишонини — 4 минг дона ҳамда байроқча — 300 дона тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этишни истаган қорхона ва ташкилотлар 2018 йилнинг 5 апрель кунига қадар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига ўз таклифлари билан мурожаат этишлари сўралади.

100029 Тошкент,
Мустақиллик майдони 5/3.
Тел: (99871) 239-18-49,
факс: (99871) 239-13-20

Гулистон давлат университети жамоаси меҳнат фахрийси, филология фанлари доктори, профессор **Анқабой КУЛЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари тахририяти жамоаси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши журналист, партия фаоли **Илхом ҚАРОМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят ва Қарши шаҳар кенгашлари халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Наврўз Фармонова волидаи мухтарамаси

ЗАИФА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



«МЕХР-ШАФҚАТ ВА САЛОМАТЛИК» ЖАМОАТ ФОНДИНИНГ

фаолияти таҳлил этилди

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади. Чунки, одамларнинг турмуш тарзи, кайфияти амалга оширилаётган ислохотларга муносабати қандай бўлиши, аввало улар қай даражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқ. Яқинда асосий мақсади — меҳр-шафқат ва ўзаро ҳолис ёрдам бериш, одамларнинг ҳаёти ва турмуш шароитини яхшилаш, соғломлаштириш масаласига ғамхўрлик қилиш бўлган Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондининг фаолияти таҳлили ва ўрнатилган вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мазкур жамоат фонди ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекистон-қатъи ҳаёт» уюшмаси, Inspired МЧЖ ва бошқа бир қанча давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган йили фонд фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, ҳомийлардан 6 миллиард 94 миллион 362 минг сўм хайрия маблағи келиб тушди.

Бугунги кунда Inspired МЧЖ билан ҳамкорликда пайком тизимидаги интернет-эквайринг технологияси асосида «Payme» базасида хайрия

маблағларини марказлашган ҳолда йиғиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа асосида келиб тушган маблағлар режалаштирилган хайр-эхсон тadbирларини қўллаб-қувватлашга, оғир дардга чалинган болаларнинг дори-дармони ҳамда тиббий муолажаларига йўналтирилиши режалаштирилган. Йил якунига қўра, ушбу режаларни амалга оширишга жамоат фонди ҳисоб рақамига йиғилган 67,0 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

— Грипп ва ўткир респиратор инфекцияларнинг олдини олиш мақсадида гриппга қарши вакциналарни харид қилиш учун вазирлик, идора, ишлаб чиқариш корхоналари

компаниялар, банклар, ташкилотлар томонидан етарли маблағ фонд ҳисоб рақамиди жамғарилиши белгиланган эди, — дейди «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди бошқаруви раиси Асрор Мирзаахмедов. — Унга мувофиқ Франциянинг «Sanofi Pasteur» компанияси билан биргаликда «Bio Vaktinalar» МЧЖда ишлаб чиқарилган 295,0 миллион сўмлик «Ваксигрипп» вакцинаси харид қилиниб, жойларга етказиб берилди.

Шунингдек, жамоат фонди кекса, боқувчиси бўлмаган кишиларни ҳар томонлама моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамни янада яхшилашга ҳисса қўшиш мақсадида моддий ёрдам ташкил этишга 16,624 минг сўм, меҳр-шафқат ва хайр-эхсон амалларини тарғиб қилувчи ҳамда фуқаролар саломатлигини яхшилаш йўлида фаолият кўрсатаётган давлат, жамоат ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликдаги тadbирларни амалга ошириш учун 12,0 миллион сўм ҳамда жамоат фондининг ҳудудий муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга 36,090 минг сўм сарфланди.

Йил давомида жамоат фонди бошқарувида тиббий муассасалари, маҳалла кўмиталаридан 171 ариза

инсонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида фондга ажратилган маблағлар ҳисобидан бугунги кунда республикамизнинг ихтисослаштирилган хирургия, кардиология, урология, травматология ва ортопедия, эндокринология, илмий-амалий тиббиёт марказлари, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг клиникалари, Россия

мурожаатлар келган бўлиб, уларнинг асосий қисмида ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, имтиёзли равишда даволаш масканларига жойлаштириш сўралган. Барча ариза-мурожаатлар белгиланган муддатда қўриб чиқилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўмағида ижобий ҳал қилинди.

— Фонд томонидан соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ис-

Франциянинг «Sanofi Pasteur» компанияси билан биргаликда «Bio Vaktinalar» МЧЖда ишлаб чиқарилган 295,0 миллион сўмлик «Ваксигрипп» вакцинаси харид қилиниб, жойларга етказиб берилди.

Федерациясининг болалар гематология, онкология ва иммунология илмий-клиника маркази, Биологик системалар халқаро тиббиёт институтининг даволаш ва диагностика маркази, болалар ортопедия институти ҳамда хирургия марказида даволашнишлари учун 908,844,780 сўм маблағ сарф этилди.

Йил давомида жамоат фонди бошқарувида тиббий муассасалари, маҳалла кўмиталаридан 171 ариза

лохотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент давлат стоматология институти қошида «Симуляцион марказ» ташкил қилиш ҳамда ўқув қурилмалари билан таъминлашда HRV (High Fidelity Simulation) компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 4 комплекти VirTeaSy Dental симуляторини ҳомийлик асосида харид қилишга 552 миллион сўм сарфлангани алоҳида эътиборга сазовор, — дейди «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат

фонди вассийлик кенгаши аъзоси, тиббиёт фанлари доктори Малика Хўжаева. — Шунингдек, кам таъминланган оилалар рўйхатида қиритилган талабаларнинг 2017-2018 ўқув йили учун контракт тўловларини тўлашга 13,325, минг сўм сарфланди. Чет эл клиникаларида малакасини оширган 8 нафар маҳаллий мутахассиснинг ҳамда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш мақсадида 23 нафар хорижий мутахассисларнинг таълими билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларга 289,168 220 сўм маблағ йўналтирилганини эътиборга олиб, фонднинг ўтган йилда амалга оширган ишлари анча салмоқли бўлганлигига амин бўлдим.

Ўтган йилда жами харажатлар 5 миллиард 467 миллион 208 минг сўмни, хайр-эхсон, ҳомийлик харажатлари эса 5 миллиард 277 миллион 515 минг сўмни ташкил этди. Хайр-эхсон, ҳомийлик харажатлари жами харажатларга нисбатан 97,1 фоизни, ҳўжалик харажатлари эса 2,9 фоизга тўғри келди.

— 2017 йилда фонднинг Бухоро, Тошкент, Навоий вилояти ваколатхоналари ўз фаолиятларини намунали олиб бориш таъкидланди, — дейди «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди вассийлик кенгаши аъзоси Фарид Абдурахмонов. — Лекин Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ваколатхоналари фаолиятини тиклаш масаласи охиригача етказилмагани ҳам бор гап. Менинг назаримда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фонд бўлимлари очилиб, тўлақонли ишлашига эришиш керак. Бугун жамиятда одамлар ўртасида меҳр-оқибат тўғрисидаги ўй-ғуш, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш масаласи ҳам жуда муҳимдир.

Йиғилиш давомида фонднинг 2018 йилдаги режаси белгилаб олинди, шунингдек, фаолиятини янада кучайтириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тadbирда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари Баҳодир Юсупов, фонд вассийлик кенгаши аъзолари, меҳнат фахрийси Мухтор Усмонов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири биринчи ўринбосари Фаруқ Хамроев ва бошқалар иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАРҲАЁТ МЕРОСИМИЗ

келажак авлодлар учун

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақаларо давлат инспекцияси томонидан берилган маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда Самарқанд вилояти ҳудудиди 1850 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд. Уларнинг 1105 тасини археологик, 669 тасини тарихий-меъморий, 27 тасини монументал ёдгорликлар, 39 тасини меъморий лавҳалар ташкил этади. Шунингдек, 37 та диққатга сазовор зиёратгоҳ масканлар мавжуд.

Самарқанд вилоятидаги барча тарихий объектлар паспортга таъйинланган, ҳужжат юритиш ишлари яхши йўлга қўйилгани ижобий самара бермоқда. Тарихий-меъморий обидалар, буюк аждодларимиз мангу кўним топан муқаддас жойлар қайта таъмирланди. Шохизинда меъморий обидалар мажмуаси, Имом ал-Бухорий масжид-мажмуаси, Хожа Дониёр зиёратгоҳи, Мирзо Улугбек музей-мажмуаси, Бибиҳоним мақбараси, Нодир Девонбеги мадрасаси, Афросиёб музейи, Хазрати Довуд ва Чор чинор зиёратгоҳларида амалга оширилган улкан таъмирлаш-бунёдкорлик ишлари шулар жумласидандир.

Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадий музей-қўриқхонаси жамоаси музейларни янги экспонатлар билан бойитиш, таъмирлаш, ободонлаштириш, меҳмонларни, айниқса, хорижий сайёҳларни музей муассасаларига жалб этиш борасида фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

Шаҳардаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида бўлган киши ўтмишга саёҳат қилади. Бой тарихимиздан дарак беришга қўллаб-қувватлаш билан танишади. «Марказий Осиёда ёзувнинг пайдо бўлиши тарихи», «Ўзбекистон заргарлик санъати», «ХХ аср охири ХХ аср бошларида анъанавий қийиниш маданияти», «Самарқанд: кеча ва бугун», «Ўзбекистон тасвирий санъат дурдоналари», «Ўзбекистонда кулчилик санъати», «Ўзбекистонда металл бадий ишлов бериш санъати», «Ўзбекистон дунё маданияти чоррахасида», «Ўзбекистонда мато тўкиш ва матога бадий гул босиш санъати», «Мустақиллик экспозицияси», «Рангтасвир экспозицияси», «Ўзбекистон каштачилиги», «Ўзбекистон гиламчилиги» каби кўргазма ва экспозициялар кишига олам-олам завқ бағишлайди.


Музей-қўриқхонада фонд ишларини юритиш, музей ашёлари ва коллекция-

ларини сотиб олиш, сақлаш борасида фонд харид комиссияси ташкил этилган бўлиб, бу борада ўз таклифларини беради ва шу асосда экспонатлар миқдори оширилади. Жумладан, 2017 йил давомида музей фондларига жами 599 дана турли ашёлар қабул қилинди. Уларнинг 379 донаси асосий фондга, 207 донаси илмий-ёрддамчи фондга ва 13 донаси вақтинчалик сақловга топширилган. Айни пайтда музей-қўриқхонанинг асосий ва илмий-ёрддамчи фондларидаги ашёларнинг сони 235 минг 783 донани ташкил этмоқда.

2017 йилда ўтказилган «Шарқ тароналари» фестивали доирасида Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида Ўзбекистон Бадий академияси Самарқанд бўлими билан ҳамкорликда Самарқанд хунармандлари ижоди асосида халқаро кўргазма ташкил этилди. Унда 1997 йилдан шу пайтгача бўлиб ўтган фестивалларда намойиш этилган нодир чолгу асбоблари, илтироқчиларнинг миллий либослари, шунингдек, самарқандлик мусаввирлар томонидан ишланган тасвирий ва амалий санъат асарлари ўрин олди.

Мис, кулчилик ва чинни идишларда, гилам ва турли матоларда Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари акс эттирилган бўлган ҳам кўргазмада намойиш этилди. Миллий анъана ва қадриятлар асосида яратилган халқ қаҳрамонлари хайкалчалари, уймакор нақшлар солинган мўъжаз сандиқчалар, митти миллий мусиқа асбоблари хорижий меҳмонлар учун ўзига хос совға бўлди.


Музей-қўриқхона томонидан экспедиция ва илмий сафарларнинг ташкил этилиши ўтмиш ва бугунни бевосита боғлашга хизмат қилади. Негаки, нафақат шаҳарларда, кўпгина узоқ қишлоқларимизда ҳам юртимизнинг бой тарихи билан боғлиқ ашёлар кўп. Уларни маҳаллий аҳоли, айниқса, тарих билан қизиқувчилар яхши билишади. Шу боис музей ходимлари бундай ишларни



мутахассислар, асосан, ЎзФА Археология институти ходимлари билан ҳамкорликда ташкил этишади. Масалан, 2017 йилда Нуробод туманидаги Жом ва Тим қишлоқлари тарихи ва этник ҳаётини ўрганиш мақсадида ташкил этилган этнографик экспедицияда янги тарихий ашёлар излаб топилди ва улар фонд-харид комиссиясига тақдим этилди.

2017 йилнинг май ойида Хитойда ўтказилган «Бир макон, бир йўл» мавзусидаги форумда Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг халқ хунармандчилиги намуналари кўргазмаси намойиш этилиб, юқори баҳога сазовор бўлди. Музей-қўриқхона томонидан Россия Этнография музейи, Самара шаҳри музейи, Санкт-Петербург шаҳридаги Рериховлар оила музей-институти, Германиянинг Штутгарт шаҳридаги «Линден музейи», Комор ороллари музейлари билан илмий-амалий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Маданият вазирлиги ҳамда Франция, АКШ, Швейцария ва Жанубий Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчи хоналари ташаббуси билан Франциянинг Париж шаҳрида жойлашган «Афросиёб деворий суратларини сақлаш ва таъмирлаш» ассоциацияси ўртасида шартнома имзолаган эди. «Афросиёб» қадимий деворий суратларни таъмирлаш ишлари 2014 йилдан бошланган бўлиб, 2017 йилда ниятсизга етказилди. Йил давомида вилоят давлат музей-қўриқхонаси тизимидаги музейлар ва тарихий обидаларга жами 1 миллион нафардан ортиқ томошабин таъриф буюрди. Шундан 160 минг 531 нафари хорижий сайёҳлардир. Вазир-



лар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиклигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан 114 минг 300 нафар ўқувчи ва талаба ҳамда уларга ҳамроҳлик қилувчиларнинг музей ва тарихий обидаларга келиши таъминланди.

2017 йилнинг 16-17 май кунлари ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Маданият вазирлиги, ЎзФА ҳамкорлигида Самарқанд шаҳридаги Регистон мажмуасининг Улугбек мадрасасида «Ўзбекистоннинг маданий мероси — халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги мулоқот» мавзусида халқаро илмий-маданий конгресси ўтказилди. Унда музей-қўриқхона илмий ходимлари конгресс доирасида ўтказилган секциялар ишида фаол иштирок этиб, тизимда олиб борилаётган илмий изланишлар, Ўзбекистон халқлари маданиятини кенг тарғиб этиш, кўп йиллар давомида музей фондларида сақланиб келинаётган тарихий ашёларни ўрганиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Конгресс иштирокчилари Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи, Афросиёб ва Мирзо Улугбек музей-мажмуасидаги Самарқанд шаҳрининг асос солинишига оид экспозициялар билан таништирилди, экскурсиялар ташкил этилди. Айниқса, «Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси чоррахасида», «Ўзбекистонда илк ёзувнинг пайдо бўлиши тарихи», «Қадимий Самарқанд тарихи», «Темурийлар давридаги Улугбек даҳоси» каби экспозициялар конгресс иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 11 декабрда қабул қилинган «2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига биноан Самарқанд шаҳрида янги музей биноси қурилиши учун маблағ ажратилиш кўзда тутилган. Вилоят Улқашунослик музейида катта ҳажмдаги капитал таъмирлаш ишлари бажарилади. Мирзо Улугбек музей-мажмуаси, «Афросиёб» музейи, Каттақўрғон шаҳри, Пахтачи, Иштихон туманларидаги тарих музейлари ва Самарқанд шаҳридаги Садриддин Айний ёдгорлик уй-музейлари жорий таъмирланади.

Анча пайтлардан буён кўпчиликнинг эътиборидан четда қолиб келаётган Қўшработ тумани, Жўш қишлоғидаги Эргаш Жуманбул ўғли ёдгорлик музейи ҳам ушбу дастурга асосан реконструкция қилинаётган бўлди. Бу англичини нафақат қўшработликлар, балки мамлакатимиздаги адабиёт ихлосмандлари, халқ озаки ижоди жонқуярлари мамуният билан кутиб олдилар. Ёдгорлик музейи Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси тасарруфига ўтказилгани эса унинг бундан буён маданият ва маънавийт маскани сифатида муҳлислар билан гавжум бўлишини қафолатлайди. Дастурда музейларни энг замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар, электротехника қурилмалари билан тўлиқ таъминлаш масалалари ҳам қамраб олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги «2017 — 2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан республика бюджетти маблағлари ҳисобидан бир неча тарихий иншоотларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бибиҳоним масжиди реставрация қилиниши учун 250 миллион сўм миқдориди маблағ ажратилиб, пудратчи ташкилот «Самарқандтаъмир» масъулияти чекланган жамияти томонидан жанубий кичик масжид ички деворини таъмирлаш, бадий нақшларини тиклаш ишлари олиб борилди. Табиий офатдан зарар кўрган том қисми музей-қўриқхонанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, умумий қиймати 140 миллион сўмлик иш бажарилди.

«Рухобод» мадрасасини реставрация қилиш учун 150 миллион сўм миқдориди маблағ ажратилиб, шартнома асосида пудратчи ташкилот — «Меъмор сайқал» МЧЖ томонидан мадрасанинг ташқи ва ҳовлидаги керамик нақшлар таъмирланди.

2017 йилда Амир Темур мақбараси ташқи деворини таъмирлаш, пандус қуриш ҳамда мақбаранинг ички қисмида таъмирлаш ишларини олиб бориш учун музей-қўриқхона бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан таъбирланган смета лойиҳа ҳужжатлари экспертизадан ўтказилиб, қайта тиклаш ишлари амалга оширилмоқда.

Мирзо Улугбек расадхонасининг музей-мажмуа ҳудудиди жойлашган «Юлдузли осмон» панноси деворининг устки қисми мис билан қоплаиб, таъмирланди. Музейнинг ички экспозициясини санган плиталари янгисига алмаштирилди. Ҳудуддаги шикастланган плиталарнинг бир қисми таъмирдан чиқарилди. Тўғри ёритиш чамбаракчи қайта таъмирланди.

Пахтачи туман тарихи музейининг эскирган томи қисми тўлиқ очилиб, қайта таъмирланди. Смета лойиҳа асосида 127 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди.

Илак йўлининг чоррахасида жойлашган Самарқанд азалдан ўзининг меъмор ва тарихий обидалари билан дунёнигоҳини ўзига жалб этиб келган ва бу қизиқиш бугун ҳам тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик даврида амалга оширилган эзгу ишлар, эришилган ютуқлар бу кўча заминда туризм салоҳиятини янада оширмоқда. Бунда музей ходимларининг хизматлари алоҳида ўрин тутди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.




«URGANCH YOG'-MOY»

акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз аҳлини баҳор байрами, қадимий ва
ҳамиша навқирон — **НАВРЎЗИ ОЛМ**
билан табриклайди!

Гўзаллик, нафосат айёми ҳар бир хонадонга
шодлик ва қувонч улашсин!



«ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

барча юрдаошларимизни
НАВРЎЗ байрами билан қутлайди.

Баҳорий кайфият ҳамиша
ҳамроҳингиз бўлсин, азиз
ватандошлар!



«ФАРҒОНА ЁҒ-МОЙ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ


**мамлакатимиз аҳлини баҳор байрами —
НАВРЎЗИ ОЛАМ билан табриклайди.**



**Эзгулик, меҳр-оқибат айёми муборак
бўлсин, азиз Ватандошлар!**

«БЎСТОН ОЛАМИ»

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**



**халқимизни НАВРЎЗ
байрами билан муборакбод
этади.**

*Янги кун қалбларимизга
шоду хуфрамлик, юртимизга кут-бафака
олиб келсин!*



O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDINOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba
kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338. 14292 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 00:25.

Topshirilgan vaqti — 01:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Gazetaning elektron sahifasiga utish
uchun QR-kodni telefoningiz orqali
skaner qiling.

1 2 3 4 5